



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Президент Ислом Каримов Москвага келди

МОСКВА, 25 апрел. ЎЗА махсус мухбири
Анвар САМАДОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифи билан 25 апрел куни расмий ташриф билан Москвага келди. Икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган «Внуково-2» аэропортида олий мартабали меҳмон шарафига faxрий қоровул саф тортиди. Тантанали кутиб олиш маросимидан кейин Ўзбекистон делегацияси ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Шу куни Ислом Каримов билан Владимир Путиннинг норасмий учрашуви бўлиб ўтди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 26 апрелга белгиланган. Икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Россия ҳамкорлиги ривожининг долзарб масалаларини муҳокама қиладилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик айрим муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Аввал хабар қилинганидек, музокаралар якуни бўйича Ўзбекистон билан Россиянинг турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланган.

ЎЗА

Иқтисодиёт



Президентимиз раҳнамолигида яратилаётган қўлай инвестиция муҳити ва хорижлик сармоядорлар учун берилаётган имтиёзлар хорижлик ҳамкорлар билан қўшма корхоналар ташкил этиш ва сифатли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришда юксак самаралар бермоқда.



ЎЗА суратлари

26 апрел — Амир Темур ордени таъсис этилган кун

Истиқлолга эришганимиздан сўнг қўллаб улуғ аждодларимиз сингари Амир Темурнинг ҳам муборак номи, бой мероси тикланди.

Куч-қудратимиз ТИМСОЛИ



Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1996 йили Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди. Мазкур сана муносабати билан ўша йил мамлакатимизда Амир Темур йили, деб эълон қилинди. Таъсис этилган Амир Темур ордени юртимизда Соҳибқирон сиймосига қўрсатилаётган чўқур ҳурмат ва эътиборнинг ифодасидир.

Амир Темур тарихимиздаги энг буюк, энг ёрқин сиймолардан бири сифатида халқимизнинг миллий ифтихори рамзига айланган. Унинг ҳаёти ва фаолияти мардлик, жасурлик ва фидойилик намунаси сифатида ибрат, авлодларга қолдирган бой мероси халқимизнинг сиёсий, ижтимоий ва маънавий ҳаётида муҳим дастуриламал бўлиб келмоқда. Соҳибқирон раҳнамолигида бунёд этилган бетақдор обидалар, осори-атиқалар буюк бобомизга хос куч-қудрат, яратувчанлик ва боқийлик тимсоли бўлиб келаётди.

Орден марказида Соҳибқироннинг от устидagi улугвор қиёфаси ақс эттирилган, тасвир остида бобомиз ҳаётида қатъий амал қилган шир — «Куч — адолатда» сўзлари битилган. Бобокалонимизнинг ҳаётий эътиқоди теран акс этган бу ҳикмат бугунги кунда давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг ҳам туб мазмун-моҳиятини ифодалайди.

Амир Темур ордени билан давлатчилигимизни мустақамлашдаги улкан хизматлари, меъморлиқни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, шу жумладан, ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга, давлатлараро ҳамкорлиқни, тинчликни ҳамда халқлар ўртасидаги дўстликни мустақамлашга алоҳида ҳисса қўшган юрtdошларимиз, шуниингдек, мамлакатимиз фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланади.

Фуқаролар билан бир қаторда, айрим ҳолларда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат биришмалари, икждий жамоалар ва ҳарбий бўлинмалар, мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳам ушбу ордени

билан мукофотланиши мумкин.

1996 йил 28 августда бобокалонимизнинг 660 йиллик юбилеи муносабати билан Президентимиз фармони билан Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари, 2014 йил 22 августда Термиз шаҳри Амир Темур ордени билан мукофотланди.

Мустақиллик йилларида қўлгў тўйлари нишонланган бу шаҳарлар янада чирой очди. Меъморий обидалар, муқддас қадимжолар ободонлаштирилиб, файзли зиёратгоҳларга айлантирилди. Янги, замонавий уй-жойлар, таълим, маданият муассасалари, йўлу кўприклар бунёд этилди, бегороғлар яратилди. Бундай эзгу ишлар кўлами янада кенгайиб бораётди.

2004 йилнинг 13 июл куни юртимиз тарихида илк бор ўзбек ўғлини — Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Шахматчиимизнинг бу юксак ғалабаси муносиб баҳоланди — Президентимиз фармони билан Рустам Қосимжонов Амир Темур ордени билан тақдирланди. Бу Соҳибқирондан мерос юксак ақл-заковат бугунги авлодларга қўлаб-қувватлашдаги иштирокини, истиқлол яратган имкониятлардан қўлқўват олиб, ўзини намоян этаётганининг гўзал ифодасидир.

Бу йил мамлакатимизда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 680 йиллиги кенг нишонланмоқда. Зеро, асрлар ўтса-да, улуг саркарданнинг Ватан, халқ олдидаги улкан хизматлари ўз аҳамиятини йўқотмайди. Унинг улугвор, покиза сиймоси барчамизни янгидан-янгига зафарларга, улкан ютуқларга ундовчи куч-қудрат манбаи, буюклик, ҳурлик ва ман-баи, буюклик, ҳурлик ва манбаи тимсоли бўлиб қолаверади.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Ислохотлар бераётган самаралар

Сурхондарё вилоятида фаолият юритаётган 50 дан ортиқ қўшма корхонада пахта, пилла, нефт маҳсулотлари ва бошқа маҳаллий хомашдан рақобатбардош, харидоригр маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда. Турли хизматлар кўрсатилаётди. «Жарқўргоннефтиқайтаишлаш» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси улардан бири.

Замонавий ускуналар билан жиҳозланган қўшма корхона вилоятда янги турдаги тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, мамлакатимиз иқтисодиётига юксалтиришга хизмат қилаётди.

Маълумотларга қўра, қўшма корхона иш бошлаган дастлабки йилда истеъмолчиларга 5 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб берилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 192,3 миллиард сўмга етди. Айни пайтда бу ерда меҳнат қилаётган 730 га яқин ишчининг аксарияти касбуналар коллежини битирган ёш мутахассислардир.

— Изчил амалга оширилаётган технологик янгиланишлар маҳсулот ҳажми ва

сифатини оширишда муҳим омил бўлмоқда, — дейди қўшма корхона бош муҳандиси, техника фанлари номзоди Баҳодир Сайфидинов. — Шунингдек, маҳсулот тури ҳам йил сайин кўпаймоқда. Ҳозир дизел ёнилғиси ва бензинни «ЕВРО3» сифати даражасига олиб чиқиш борасида тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Қўшма корхонада рационализаторлик таклифлари қўллаб-қувватланиб, замонавий ускуналар кенг жорий этилаётгани технологик йўқотишларни камайтириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга хизмат қилмоқда. Электр энергияси ва табиий газ тежамкорлигига эришиш имконияти кенгаймоқда. Масалан, дизел ёнилғисини экстракцияли тозалаш технологияси қўрилмаси ишга туширилгани бу ёнилғини шу ернинг ўзида ишлаб чиқариш имконини берди. УПБ-100 технологияси қўрилмаси ўрнатилганидан кейин йиллик ишлаб чиқариш қуввати 155 минг тоннадан 255 минг тоннага ошди. Ҳозир корхонанинг йиллик ўртача экспорт ҳажми 12 миллион долларни ташкил этмоқда. Президентимизнинг 2011 йил 4 октябр-

даги «Рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқариш ва ўзлаштириш ҳажмини кенгайтириш бўйича дастлабки чора-тадбирлар дастури тўғрисида» ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётди. Зеро, бу мамлакатимизга хориждан олиб келинаётган шу турдаги маҳсулотларни маҳаллий шароитда ишлаб чиқаришни жорий этиш борасида янада қўлай шароит яратмоқда.

— Автомобил йўлларининг чидамлик даражасини оширишда асфалт қоплама — «БНД 60/70» марказдаги нефтли йўл қўвушқок битумининг ўрни беқийс, — дейди лаборатория бўлими бошлиғи Низомиддин Одилов. — Корхонамизда тайёрланаётган ана шу турдаги маҳсулот замонавий жиҳозланган лаборатория куригидан ўтказилиб, бўйртмачиларга етказиб берилаётди. Хорижнинг нефтли йўл қўвушқок битуми билан бемалол рақобатлашадиган бу турдаги сифатли маҳсулотимиздан йўлсозлар самарали фойдаланаётди.

Х. МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА мухбири

Эъзоз

Меҳр-мурувват акцияси

Пойтахтимиздаги Уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионатида 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан меҳр-мурувват акцияси бўлиб ўтди.

Акция иштирокчилари пансионатда имконияти чекланган нурунийларнинг саломатлигини мустақамлаш, ҳаёт даражасини юксалтириш учун яратилган шароит, қўлайлик ва имкониятлар билан танишди.

Фахрийларни санаторийларда соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кўриши, эшитишида нуқсонли бор кексаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун қатор хайрия тадбирлари ўтказилди. Мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойлари, жумладан, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива каби қадимий шаҳарларга саёҳат ташкил этилди.

Хайрия тадбири доирасида турли ташкилот ва корхоналар томонидан кексаларга зарур истеъмол товарлари ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

ЎЗА

Маҳалла — демократия кўзгуси

Маҳалла замонлар синовидан ўтган ҳамда энг ноёб ва адолатли идора сифатида шаклланган. Халқимиз минг йиллар давомида ўзининг миллий қиёфасини, ўзаро меҳр-оқибат туйғулларини сақлаб келганилиги ҳам аслида ҳамжиҳатлик тамойилларини устувор деб билганлигидандир. Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ бевосита Президентимизнинг ташаббуси билан маҳаллага конституциявий мақом берилиб, унинг нуфузи ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнидаги иштироки кенгайди. Бугунги кунда 30 дан зиёд вазифа мазкур институт томонидан муваффақиятли тарзда бажариб келинаётди.

Муқобиллик, ошкоралик ва қонунийлик асосида

Конституцияимизнинг 105-моддасида қайд этилганидек: «Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидagi маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади».

Ҳозирги кунда мазкур конституциявий қоида ногизида маҳаллалар фаолиятини ҳуқуқий кафолатлашга қаратилган эллиқдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд ва улар замон талабидан келиб чиққан ҳолда тақомиллаштириб борилаёпти. Хусусан, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси талаблари асосида 2013 йилда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ги ҳамда



«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида» ги қонунлар янги таҳрирда қабул қилинди.

Ушбу қонунларнинг амалиётга татбиқ этилиши, шубҳасиз, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги роли ва аҳамиятини оширди. Уз навбатида, маҳалладек ноёб миллий институтнинг салоҳиятидан янада кенг миқёсда самарали фойдаланиш учун қўлай имконият яратди.

2



Наманган вилоятининг Чортоқ туманида ёш оилалар учун бунёд этилган «Қамолот» уйи фойдаланишга топширилди.

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бопро этилаётган «Қамолот» уйларида уч хонали хонадонга эга бўлганимиздан бөхад хурсандимиз, — дейди кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони Муҳаммаджон Йўлдошев. — Спортчи сифатида жаҳоннинг кўплаб давлатларида бўлганман. Ҳеч қайси мамлакатда ёшларга Ўзбекистонимиздаги каби дониймий эътибор қаратилмайдди. Бундай қамқуриликка яхши фаразлар тарбиялаш, бор куч-қайратимиз, билимимизни Ватанимиз равнақи йўлида сафарбар этиш билан жавоб қайтаришимиз шарт.

Андижон қишлоқ ҳўжалиги институтида «Она заминни асрайлик» шiori остида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбир доирасида «Она замин экологияси — талабалар нигоҳида» мавзусида плакат, расм ва деворий газеталар намойиши, «Тинчлик — энг олий нөмат» мавзусида икждий слайдлар, мақола ва рефератлар, «Ким эдинг ким бўлдинг?» мавзусида ёш нотиклар танлови, ахборот-ресурс марказида мавзуга оид китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

Пойтахтимиздаги «Ёшлик» ташаббалар шаҳарчаси ҳоқимлиги, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ҳамкорлигида «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида «Она ва бола соғлиги — юрт бойлиги» деб номланган дара суҳбатни бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларида аҳолига хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш, патронаж тиббиёт ҳамшираларини кўпайтириш, айёллар ва болалар шифокорларининг малакасини юксалтириш борасида сўз борди.

Ёзги соғломлаштириш

Ҳар қачонгидан пухта ҳозирлик

Болалар оромгоҳларини 2016 йил мавсумига ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш ва уни намунали ўтказиш мақсадида Сирдарё вилоят ҳокими...

Шу кунларда вилоят «Пахтаसानот» бирлашмаси тизимидаги Жиззах вилояти Зомин тумани «Дубоа» қишлоғида жойлашган «Гулистон» болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳини таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

давомида оромгоҳларда фаолият олиб борадиган педагог ходимлар, тарбиячи, етакчи ва тўғра раҳбарларини танлаш ишларини амалга ошираётир. Номзодларнинг малакасини ошириш бўйича ўқувлар ташкил этиш режалаштирилган.

Оромгоҳларда таълим-тарбиявий ишларни ташкил этиш, уларни малакали педагог ва етакчилар билан таъминлаш асосий масала ҳисобланади.

Барча оромгоҳларда кўчма кутубхоналар фаолият кўрсатади. «Маънавият ва маърифат хоналари» зарур жиҳозлар билан таъминланиб, худуди Соғлом она ва бола йилини акс эттирувчи турли мавзулардаги плакатлар, баннерлар, таълим-тарбия йўналишдаги шиорлар, кўргазмалар воситалар билан безатиш ишлари бошлаб юборилган.

болаларни қабул қилиш учун тайёр ҳолатга келтирилади.

«Меҳнат ва дам олиш» оромгоҳлари ташкил этиладиган корхона ва ташкилотлар номи, уларда амалиёт ўташи ҳамда дам олиши режалаштирилган касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари сонини аниқлаштириш жараёни бораётир.

Хар доим бўлганидек, болаларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, озик-овқат маҳсулотлари сифатининг санитария-гигиена талабларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича вилоят ишчи гуруҳи ташкил этилди.

Тиббиёт ходимларига методик ёрдам тарихида қўлланилган (зарурий ҳужжатлар, журнал, тиббиёт хоналарини жиҳозлаш, болалар орасида тиббий профилактика ишларини ўтказиш дастури, касалликлар профилактикаси бўйича плакатлар, буклетлар) тайёрлаш ҳам кўзда тутилган.

«Сирдарё дори-дармон» шўба корхонаси, вилоят давлат санитария-эпидемиология назорат маркази ва ҳўжалик ҳисобидидаги профилактик дезинфекция станцияси билан биргаликда оромгоҳларни тайёр ҳолга келтириш, маълуми шифокор ва ҳамширалар, тиббий жиҳозлар, музлатгич ва зарур вакциналар, дори-дармонлар билан мавсум бошланиши олдида тўлиқ таъминлаш ҳамда озик-овқат маҳсулотлари сифатини назорат қилиб бориш бўйича алоҳида вазифалар белгиланди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаб уюшмаси Республика кенгаши ишчи гуруҳи Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб, тармоқ касаб уюшма ташкилотлари фаолияти билан яқиндан танишди.

Семинар

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаб уюшмаси Республика кенгаши ишчи гуруҳи Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб, тармоқ касаб уюшма ташкилотлари фаолияти билан яқиндан танишди.

Амалий ёрдам

Ушбу жараён якунида Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда семинар ўтказилди. Унда тизимдаги барча муассаса ва ўқув юртли вакиллари, касаб уюшма кўмиталари раислари, мутахассислар қатнашиб, атрофдаги фикр алмашилди.

Тадбирда республика соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Курол Камолов тизимда амалга оширилган ишлар ва галдаги вазифаларга тўхталиб ўтди.

Семинарда меъёрий ҳужжатлар амалиёти, меҳнат қонунчилиги, меҳнатни муҳофаза қилиш, ходимлар ижтимоий ҳимояси, 2016 йилдаги устувор йўналишлар, бошланғич ташкилотларда устоз талабаларига мувофиқ иш юритиш масалалари юзасидан тармоқ касаб уюшмаси Республика кенгаши мутахассисларининг маърузалари тингланди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан ҳар бир туманда 25 та янги иш ўрнини ташкил этиш ҳаракатида миз, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси касаб уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Муратбой Данёров. — Ҳар бир коллеж битирувчиси бандлигини таъминлаш муҳим вазифалардан биридир.

Тадбир якунида иштирокчиларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоблар берилди.

Лизахон БАЙБОСИНОВА, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаб уюшмаси Республика кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича масъул ташкилотчиси

Омилкорлик



Мамлакатимиз Президентининг «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори тизим тараққиётини янги босқичга олиб чиқиши, шубҳасиз.

Дунё дастурхонига тортиқ

Дехқонларимиз ернинг тафти, тафовутини тўғри белгилаб олгани боис боғ-роғлару, полизларимизда тўкинлик ҳукмрон.

Боғ ва ток қатор ораларига экин екишда булунғурликларда ҳам ўзига хос тажриба бор. Туман деҳқон-фермер ҳўжаликлари бу йил 4755 гектар очик, 3854 гектар боғ оралари, 2531 гектар тоқзор оралари майдонларида картошка ва бошқа экинлар уруғини қадашди.

Заминимизда унмайдиған ўсимликнинг ўзи йўқ. Чўп суқсангиз қуртак ёзиб, ҳосил беради, — дейди тумандаги «Шоҳруҳ Махрамов даласи» фермер ҳўжалиги раҳбари Ботир Темиров. Аммо ҳосил пишиб етилган, уни сотишда бироз муаммолар бор эди. Шўрки, эндиликда маҳсулотларни бозор нархида харид қилиш белгилаб қўйилди.

Бугун туманда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари экспорти билан шуғулланидиган 8 та мини агрофирма фаолият юритиб келмоқда. «Булунғур мева экспорт» МЧЖ шаклидаги агрофирма ташкил этилганига ҳали олти ой ҳам тўлгани йўқ.

Дарҳақиқат, мазуқ қарор боғдорчилик маҳсулотларини кўпайтириш, қайта ишлаш, экспорт салоҳиятини ошириш орқали халқимиз турмуш фаровонлигини янада оширишда муҳим қадам бўлди.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири



Давра суҳбати

Ёш ходимларга эътибор

Навоий вилоят касаб уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан «Навоийазот» АЖда «Меҳнат ҳўқуқи» мавзуда давра суҳбати ўтказилди.

ган ёш ходимлар иштирок этишди. Давра суҳбати асноси ҳозирда мамлакатимизда ёшларга, ҳўсуван, коллеж битирувчиларига яратилаётган қўлайлик, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг жамоа шартномалари бўйича ходимларга нисбатан қўлланилаётган имтиёзлар ҳамда меҳнат қонунчилиги-

Тадбир

«Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамиятида ўшатирилган тадбир меҳр ва оқибат дилларни дилларга боғлашни яна бир бор тасдиқдан ўтказди.

Бугун фахрийларимиз ҳамда жамоамиз аъзолари бир дастурхон атрофида тўпланишди, — дейди корхона касаб уюшма ташкилотчиси раиси Зулфия Одилова. Наврўз байрами ҳамда яқинлашиб келаётган «Хотира ва қадрлаш кўни» муносабати билан корхонамизда узок йиллар ишлаб, унинг юксалишига ўзини муносиб ҳиссасини қўшган ва қўшаётган инсонларга ҳурмат кўрсатилгани ёшларимиз учун ибрат мактаби вазифаси ўтайди.

Шу кўни Яншобод туманидаги ТЭТК корхонасининг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Шунингдек, 8 нафар эҳтиёжманд оила фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилаётгани, зар чопон ва зар дўппи кийиб олган болаларнинг ўйин-кулгўлари тадбирининг янада фойз бағишлади.



Кўнгил кўнгилдан сув ичар

пед ҳамда ўйинчоқ машиналар топширди. Ушбу тадбирни ташкил этган корхона маъмурияти ҳамда касаб уюшма ташкилотига миннатдорлик билдираман, — дейди байналмилалчи жангчи, корхона диспетчерлик пунктининг диспетчери Фурқат Акбаров. — Бугунги ёшларга ҳар қанча ҳавас қилсак арзийди. Тўрда

кўр тўкиб ўтирган меҳнат ва уруш фахрийлари Юнус ота Рахимов, Дилора Кариева, Омон Шамсиевлардан нафақат касб-кор, балки ҳаёт сирини оятларини ҳам ўрганишимиз мумкин. Санъаткорларнинг қўйқўшиқлари эса дилларга ором бахш этди.

сида электромонтёрлик қиларкан, — дейди Эркин Дадабоев. — Бугун Яншобод туманидаги болалар билан биргаликда фарзандим Исможоннинг ҳам суннат тўйини ўтказаримиз. Бундай эътибор бизни янада зўр иштиёқ билан ишлашга ундайди.

Неъмат РАФИҚОВ, «Ishonch» мухбири

Муқобиллик, ошкоралик ва қонунийлик асосида

Маълумки, янги тахирдаги «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонун асосида 2013 йилнинг ноябр-декабр ойларида фуқаролар йиғини раислари ва унинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилган эди. Бу жараёнда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини такомиллаштириш, раислар ва унинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайланишини таъминлашга қаратилган янги қоидалар амалиётда илк бор синовдан ўтказилди.

лаҳатчиларининг навбатдаги сайловини ўтказиш мuddати 2016 йилнинг май-июн ойлари эtib белгиланди. Бўлажак сайловда 9 минг 764 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 99 минг нафардан ортиқ маслаҳатчиси сайланиши режалаштирилган. Қолаверса, бу галги сайлов Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида сифат жиҳатдан янги, қучли фуқаролик жамияти қарор топаётган социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий бир шароитда ўтади.

кил этиш ҳамда ўтказиш масалалари бўйича сессияларда тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сайловга оид қонунчиликни, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари юксак ишчанлик ва янгликларга интилувчанлик, аҳоли ишончини қозонган, обрўли инсонлар орасидан сайланишини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Айни чоғда сайловга оид қонунчилик ҳужжатлари моҳиятини аҳолига кенг тушунириш ўта долзарблигини инобатга олган ҳолда, жойларда сайловларни муносиб ўтказишга доир семинар-тренинглار ташкил этилаётир.

Хозирги кунда депутатлар ўз сайлов округларида сайловга тайёрлик кўриш ишларида фаол иштирок этмоқда. Оммавий ахборот воситаларида етакчи олимлар, экспертлар ва амалиётчилар чиқарилган бўлмоқда.

Сайлов жараёнини раиснинг ахборот воситаларида кенг ёритиш мақсадида журналистлар учун ўқув-семинарлар ташкил этилаётгани ҳам ахамиятлидир. Зеро, ушбу тадбирни юқори савидада ўтказиш маҳалланинг маъқеини мустаҳкамлаш баробарида, унинг ислохотлар жараёнидаги иштирокини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Баҳром ОБИДЖОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси аъзоси

«KO'SHIMAS MIZAN SAVDO XIZMATI» TAJAJNINING SHARH MARKA VILQYOT FILLIALI BARÇA TAĐIRKORLIK SUBJEKTLARINI, SHU JUMHURDAN, GIZNES VAMILLARI XATIRIJA XUSUSIY TAĐIRKORLARNI OCHIK TANLOV SAVDOSIGA TAKLIF ETADI

1. Savdogra Uzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2015 yil 7 oktabdagi 285-sonli qarori va Samarqand viloyat hokimligining 2016 yil 11 apreldagi 03/2-56-sonli xatirlari avoson tađirkorlik faollitining amliga oshiriş uçuñ iuridik va jismoniy shaxslarga kuyidagi er uqastklarining doimiy foydalaniş hujjati kuyilmqda:

Table with 10 columns: No, Taloqla qayilari va er uqastklari turlarini ob'ektlarini nomi, Er uqastklari maydoni (kvadr. m), Er uqastklari maydoni (kvadr. m), Taloqla qayilari va er uqastklari turlarini ob'ektlarini nomi, Hujjat turi, Hujjat turi, Hujjat turi, Hujjat turi, Hujjat turi.

Table with 10 columns: No, Taloqla qayilari va er uqastklari turlarini ob'ektlarini nomi, Er uqastklari maydoni (kvadr. m), Er uqastklari maydoni (kvadr. m), Taloqla qayilari va er uqastklari turlarini ob'ektlarini nomi, Hujjat turi, Hujjat turi, Hujjat turi, Hujjat turi, Hujjat turi.


Table with 10 columns: No, Taloqla qayilari va er uqastklari turlarini ob'ektlarini nomi, Er uqastklari maydoni (kvadr. m), Er uqastklari maydoni (kvadr. m), Taloqla qayilari va er uqastklari turlarini ob'ektlarini nomi, Hujjat turi, Hujjat turi, Hujjat turi, Hujjat turi, Hujjat turi.

Талаборлар таклифлари солинган конвертлар Самарқанд вилоят ҳокимлиги биноси кичик мажлислар залида Булғунгур тумани, Жомбой тумани, Самарқанд шаҳри, Тайлоқ тумани ва Ургут туманлари бўйича 2016 йил 7 июн кунини, Самарқанд тумани, Нурабод тумани, Пастдарғон тумани, Каттақўрғон тумани ва Каттақўрғон шаҳри бўйича 2016 йил 8 июн кунини, Иштихон тумани, Қўшбарот тумани, Пайарик тумани, Оқдара тумани, Пахтачи тумани ва Нарпай туманлари бўйича 2016 йил 9 июн кунини соат 16:00 дан бошлаб очилди ва таклифи энг яхши деб эътибор этилган талабор голлиб деб тунилди. Талаборлардан бюртномаларни қабул қилиши 2016 йил 7 июн куниндаги савдо уқун 2016 йил 6 июн, 2016 йил 8 июн куниндаги савдо уқун 2016 йил 7 июн, 2016 йил 9 июн куниндаги савдо уқун 2016 йил 8 июн кунини соат 18:00 да тухталиди.

ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

Молия муассасаларида

Халқ фаровонлиги — олий мезон



Юртимизда банк тизimini ислох этиш ва эркинлаштиришга қаратилган изчил чора-тадбирлар иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришга хизмат қилаётир. «Агробанк» ҳам ана шу жараёнда миқозларга ўзининг қулай ва даромадли омонатлари, манфаатли кредит линиялари ҳамда электрон тўлов воситалари каби замонавий хизматларни таклиф этмоқда.

Реклама ўрнисида

Президентимизнинг «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизimini янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мақур қарорга мувофиқ, тижорат банкларини модернизация қилиш ишлари босқичма-босқич амалга ошириляптир. Яқинда «O'zko'gazmasavdo» марказида банк технологиялари, асбоб-ускуналари ва хизматлари «BankEXPO — 2016» тўққизинчи миллий кўргазмасида кенг намойиш этилди. Ушбу кўргазма аҳоли, хусусан, миқозлар учун банкнинг кредитлаш шартлари, механизмлари ва бошқа молиявий хизматлар кўрсатиш тартиблари, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш даражаси билан яқиндан таништириш имконини яратди. Унда барча тижорат банклари, лизинг берувчилар ассоциацияси, етакчи сугурта компаниялари, маҳаллий ва хоржий ахборот технологиялари компаниялари ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан фаол қатнашди.

Кўргазмага ташриф буюрган 48 мингдан зиёд миқозлар, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, оилавий тадбиркорлик субъектлари, ўз тадбиркорлик

фаолиятини бошлаш истагида бўлган таълим муассасалари битирувчиларига, уй меҳнатини энгиллаштиришга қаратилган банк хизматлари бўйича банкнинг малакали мутахассислари томонидан атрофлича маълумот ва маслаҳатлар берилди. Шунингдек, банк хизматлари акс эттирилган реклама буклетлари кўргазма миқозларига тақдим этилди.



Ушбу миллий кўргазмада «Агробанк» АТБ жамоаси ҳам ўзининг янги инновация ва интерактив хизматлари ҳамда технологиялари билан фаол қатнашди. Кўргазма якунига кўра, «Агробанк» оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи энг яхши банк ҳамда энг яхши штенд персонали хизмати номинацияларини қўлга киритди. Дарҳақиқат, оилавий, хотин-қизлар ҳамда ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш ва улар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида амалга ошираётган ишлар юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини ошириш каби устувор мақсадларга хизмат қилмоқда.

Кўргазма доирасида банklar томонидан чекка ва аҳоли зич жойлашган туманларда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, ишлаб чиқариш микрофирмалари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, эндигина иш бошлаётган ёш тадбиркорлар, иш билан бандликни таъминлаш кўзда тутилган лойиҳалар бўйича ўтказилаётган танловлар гоилибларига имтиёзли кредит ажратиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топшириш маросими бўлиб ўтди.

«Агробанк» АТБ жамоаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада тараққий эттириш, қишлоқ хўжалигида амалга ошириляётган ислохотлар самарадорлигини оширишга қаратилган истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш, миқозларнинг ишончли ҳамкори ва молиявий маддакори бўлиш учун бундан кейин ҳам астойдил меҳнат қилаверади.

Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ.
Хизматлар лицензияланган.



оилавий тадбиркорликни йўлга қўйдик. Бу йил фаолиятимизни янада кенгайтиришни режалаштирганмиз. Айни баҳор таровати кезиб юрган шундай дамларда банкка мурожаат этдик. Эзгу мақсадимиз банк мутахассисларининг маслаҳати билан амалга ошди. Балиқчиликни ташкил этиш мақсадида бизнес лойиҳа тайёрладик. У банк жамоасига ҳам маъқул бўлди. Қарабосизки, банк хизматлари кўргазмасида «Энг яхши оилавий тадбиркор» йўналишида голиб, деб топилдик ва имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлдик.

— Мамлакатимизда тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда, — дейди Ургант туманидаги «Хақберди сервис» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Хақберди Хамровев. — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида турли имтиёзлар берилётгани бизни фидокорона меҳнат қилишга руҳлантирмоқда. Янги истиқболли бизнес лойиҳалар ишлаб чиқиб, уни амалиётга жорий этяпмиз. Бу эса ҳам оиламиз, ҳам маҳалламиз обод ва фаровонлиги ортишида ўзига хос омил бўляптир. Турли тикув ишларини бажарадиган тикув машиналари ва зарур хомашё сотиб олишга асосланган бизнес режамиз билан «Агробанк»нинг «Энг кўп иш ўринлари яратишга қаратилган лойиҳа» йўналишида қатнашиб, голиб чиқдик.

«Агробанк» АТБ жамоаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада тараққий эттириш, қишлоқ хўжалигида амалга ошириляётган ислохотлар самарадорлигини оширишга қаратилган истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш, миқозларнинг ишончли ҳамкори ва молиявий маддакори бўлиш учун бундан кейин ҳам астойдил меҳнат қилаверади.

Касаба уюшма спорти

Кайфият чоғ, соғлиқ мустаҳкам



Спорт — алоқаларни мустаҳкамловчи, одамларни бир мақсад атрофида бирлаштирувчи катта куч. Қолаверса, соғлиқ манбаи, асоси бўлган спорт билан шуғулланиш ҳеч қачон зарар келтирмаган. Ўзбекистон ахборот

рот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан уюштирилган мусобақалар ҳам соҳа вакилларига қувонч ва тетиклик улашиб келмоқда.

Айниқса, аксарият вақтда ўтириб ишлайдиган алоқачилар учун жисмоний ҳаракатнинг ўрни булғакча. Тармоқ тизимида турли-туман мусобақалар талайгина. Ҳар йили хотин-қизларни ўз атрофида бирлаштирадиган «Аёллар спорт фестивали», ҳаваскор ва профессионал даражада ташкил қилинадиган мини футбол баҳслари, оилавий спартакиадалар, шунингдек, «Касаба-тур» веломарафони шулар жумласидан. Ташкилот ва муассасаларда ходимлар гимнастикасининг йўлга қўйилгани ҳам эътирофга лойиқ.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимига кирувчи акциядорлик жамият, компания, корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ва

катта ёшдаги ходимлардан тузилган терма жамоалар ўртасида футбол бўйича мусобақа кўтаринки руҳда ўтказилди.

Тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, «Касаба сайр» ШЖ ва вазирлик тизимидаги акциядорлик жамият, компания, корхона ва ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақа иштирокчиларга хуш кайфият ва бардамлик улашди, десак муболага бўлмайди. Тошкент ахборот технологиялари университети спорт залида икки кун давом этган мусобақа қизинг ва муросасиз курашларга бой тарзда кечди. Ун беш жамоа таркибида 130 нафарга яқин ходим иштирок этган беллашувларда голибларни аниқлаш осон бўлмади.

— Ходимлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, саломатликни мустаҳкамлаш, меҳнаткашларнинг бўш вақт-

ларини мазмунли ўтказиш, спорт, жисмоний тарбия машғулоти билан шуғулланиш учун яратилган шароитлардан оқилона фойдаланиш каби эзгу мақсадларни қўзда тутган мусобақа 2000 йилдан бери ўтказиб келинмоқда. Йилдан-йилга мусобақа савияси юксалиб, рақобат кучайиб бормоқда, — деди «Ўзбекистон почтаси» АЖ Бухоро вилоят филиали касаба уюшма кўмитаси раиси Жамшид Эгамов.

Шу боис ҳам яқунда 1-уринни қўлга киритган Тошкент вилояти жамоаси бутун маҳоратини ишга солишга тўғри келди. Уларга финалда ўйинни бой берган Наманган вилояти жамоаси ҳам қўлимизда яхши таассурот қолдирди. Шохсупанинг 3-ўрндан жой олган TATU ва Бухоро



вилояти жамоалари ҳам анчагина тер тўкишди.

Ташкилий қўмита томонидан голибларга мос равишда диплом ва медаллар, 12 та номинация бўйича дипломлар ҳамда ҳар бир иштирокчига эсдалик совгалари топширилди. Яқун кун ва қўшиқларга улашиб кетди. Шунингдек, мусобақа иштирокчилари учун пойтахтимизнинг диққатга сазовор манзиллари, тарихий қадимки ва музейларга саёҳат ташкил этилди.

Адхам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Реклама

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧК бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш шаклида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади

Очик аукцион савдосига Тошкент вилояти, Қўрғоқ тумани, Байтўрғон к.ф.да жойлашган «Богзор»нинг бир қисми, яъни ҳамми 20,85 гектар ер майдонидан 10,0 гектар ер майдонидан жойлашган қисми қўйилмоқда, бошланғич баҳоси — 13 210 738 сўм.

Очик аукцион савдоси 2016 йил 27 май кунини соат 11:00да Республика Биржа Маркази биносида бўлиб ўтади. Мақур «Богзор» сотилмай қолган тақдирда тақсирдор аукцион савдоси 2016 йилнинг 13, 20-, 27 июн кунларини соат 11:00да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар «Заказат пули тўғрисидаги қилишувини имзолагандан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧКнинг «Илос йўли» АМББ, Тошкент шаҳар Мировод филиалининг 2020800004876496001 ҳисоб рақамига, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808 тўлашлари лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қўйиладиган ҳужжатларни топшириш келас: — қирқдик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома; — шунингдек вакил иштирок этганида қўруқ билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

— жисмоний шахслар учун — паспорт нусخаси, ишончли вакил иштирок этганида қўруқ билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Мақур ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб, жамиятнинг расмий иш кўнида соат 9:00 дан 16:00гача Тошкент шаҳар, Мировод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй, 1-қават, 16-ҳонда қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 16:00 да тўхтатилади.

Қўшимча маълумотларни realtor@vse@td.tj ёки 147-40-00 телефон рақами орқали олиши мумкин.

Хизматлар лицензияланган. RR — №0008.

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧК 2016 йил апрел ойида ўтказилган очик аукцион савдослари натижаларини маълум қилади

1. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Zangota» ҚФЙ, «Zangota» массиви ҳудуди «ZANGIOTA XAMDOV YAKUBXON» фермер хўжалигининг (2-лойиҳа) асосида захирага олинган жами 5,54 гектар, шундан 3,03 гектар ер майдонидан жойлашган «Узумзор», бошланғич баҳоси — 16 573 000 сўм. Сотилиш баҳоси — 19 058 950 сўм.

2. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Қўсарой» ҚФЙ, «Тошўрғон» агрофирмаси ҳудуди «SHARIF FAYZ BARAKA» фермер хўжалигининг (5-лойиҳа) асосида захирага олинган 9,6 гектар, шундан 7,9 гектар ер майдонидан жойлашган «Узумзор», бошланғич баҳоси — 7 432 000 сўм. Сотилиш баҳоси — 9 661 600 сўм.

3. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Қўсарой» ҚФЙ, «Тошўрғон» агрофирмаси ҳудуди «ERIKIN FAYZ BARAKA» фермер хўжалигининг (9-лойиҳа) асосида захирага олинган жами 9,48 гектар, шундан 5,83 гектар ер майдонидан жойлашган «Умумор», бошланғич баҳоси — 8 103 000 сўм. Сотилиш баҳоси — 8 333 900 сўм.

4. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Туркистон» ҚФЙ, «Иттифоқ» массиви ҳудуди «ISFANDIYOR-ITTIFOQ FAYZ» фермер хўжалигининг (5-лойиҳа) асосида захирага олинган жами 8,42 гектар, шундан 7,43 гектар ер майдонидан жойлашган «Богзор», бошланғич баҳоси — 10 704 000 сўм. Сотилиш баҳоси — 13 915 200 сўм.

5. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Туркистон» ҚФЙ, «Иттифоқ» массиви ҳудуди «ITTIFOQ-RAZMOK XAYRULLA» фермер хўжалигининг (5-лойиҳа) асосида захирага олинган жами 3,79 гектар, шундан 2,3 гектар ер майдонидан жойлашган «Богзор», бошланғич баҳоси — 11 814 000 сўм. Сотилиш баҳоси — 15 358 200 сўм.

6. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Туркистон» ҚФЙ, «Иттифоқ» массиви ҳудуди «ITTIFOQ-RASITILAEV SHANAKAT» фермер хўжалигининг (4-лойиҳа) асосида захирага олинган жами 1,5 гектар, шундан 1,4 гектар ер майдонидан жойлашган «Богзор», бошланғич баҳоси — 4 258 000 сўм. Сотилиш баҳоси — 5 535 400 сўм.

7. Тошкент вилояти Зангиота тумани, «Туркистон» ҚФЙ, «Иттифоқ» массиви ҳудуди «ITTIFOQ-AGRO OMBAD» фермер хўжалигининг (4-лойиҳа) асосида захирага олинган жами 6,72 гектар, шундан 6,02 гектар ер майдонидан жойлашган «Богзор», бошланғич баҳоси — 26 123 000 сўм. Сотилиш баҳоси — 35 572 200 сўм.

Хизматлар лицензияланган. RR — №0008.

«SURXON SAVDO INVEST» МЧК 2016 йил 26 май кунини соат 11:00 да Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар Маркази биносида очик аукцион комиссияси иштирокида мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади

Савдога қўйиладиган автотранспорт воситаси қўйилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Давлат Фойдаланиш, хизмати Термиз шаҳар бўлимига балансига тегишли бўлган 2004 йилда ишлаб чиқарилган 75 227 САА давлат рақамли «Нексис» русули тежеги таъмирталб қилган автотранспортнинг бошланғич баҳоси — 5 564 000 сўм.

Аукцион савдосига қатнашиш учун жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, қирқдик шахслардан таъсис ҳужжатлари, агар ҳужжатлари шакс қатнашса, ўрнатилган тартибда белгиланган ишончнома тақдим қилиши лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар закалат пули тўғрисидаги қилишувни имзоланган 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SURXON SAVDO INVEST» МЧКнинг «ИЛМОҚБАНА» АТБ Термиз филиали МФО: 01001, ИКН: 303477661, Х/Р: 20208000100512709001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қўйиладиган ҳужжатлари ички нусxada топширишлари билан жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўлашгани ҳақида тўла ҳужжат, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Қўшимча маълумотлар оқиш мазасини: Термиз шаҳри, Сайдулло Ҳўжаев кўчаси, Тадбиркорлар маркази биносид, 2-қават, 1-қоҳна. Телефон: (9 984 94) 201 04 04.

Хизматлар лицензияланган.

МУАССИС:



2007-йил 11-январда О'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Бoш муҳаррир:

Jahongir Sharofboyev

Таҳрир ҳай'ати:

Abdulaziz Abdullayev, To'lg'in Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xotlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Мазмунли: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй
E-mail: xahar@ishonch-doverie.uz

Газета haftoning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Satovda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba silitida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri ta'hiriyot nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDDURLARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 313-86-87
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-90) 910-54-05
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:

N.Rafiqov
Navbatchi: A.Arlonov
Musahih: S.Haydarov
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Boshiga topshirish vaqti — 20:35
Topshirildi — 21:50

1 3 4 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonada manzilli: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonchning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta o'fset usulida, A-2 formatida bosiladi.

Hajmi 2 bosma toboq.

Buyurtma № — 415.

21090 nusxada bosiladi.

Nashr ko'rsatkichi: 133